

Исломда воқеълик

12:25 / 15.03.2017 3813

Исломнинг умумий хусусиятларидан бири воқеъликдир. “Воқеълик” деганда биз коинот, ҳаёт ва инсон воқеъликларини назарда тутяпмиз. Ислом ўзининг фикрий кўрсатмаларида, ахлоқий таҳлимотларида ва қонуний ташриотларида ушбу воқеъликларни унутган эмас, доим уларни ҳисобга олган. Чунки инсонга қонун чиқарган, уни йўналтирган ва таҳлимот берган Зот коинотни, ҳаётни ва инсонни яратган Аллоҳдир. Яратилмишга нима тўғри келади, нима бузади, нима уни фаришталар даражасига олиб чиқадию, нима ҳайвон мақомига туширади фақат У биледи: “(Ахир) яратган Зот (Ўзи йўқдан бор қилган нарсаларни) билмасмиди?! У меҳрибон ва (ҳар нарсадан) хабардор Зотдир” (Мулк, 14).

Инсоний фалсафа, йўл ва мафкуралар эса бирор дастур ёки қонун ишлаб чиқаётганларида муаяйн замон ва макондаги воқеъликдан таҳсирланадилар. Улар инсоннинг кеча ва эртага бўладиган воқеълигини ҳозирги воқеълигида тўлиқ қамраб ололмаганлик сабабидан шундай ҳолга тушадилар. Шу сабабли улар ишлаб чиққан низомларда воқеълик билан келишолмайдиган кўплаб ваҳималар ва хаёлий тахминларга йўл қўйилади. Мисолни яқин ўтмишда қулаган коммунистик тузумдан келтиришимиз мумкин. Уларнинг мафкураси барча одамлар ўртасида иқтисодий тенгликни барпо қилиш асосига қурилган эди. Бу фалсафа “кучи етганича бериб, эҳтиёжига қараб олиш” ғоясини олдинга сурарди. “Иқтисодий тенглик” фалсафаси хаёлий, воқеъликка таянмаган тушунча бўлгани учун у асосий мақсадини амалга ошириш у ёқда турсин, бу йўлда эркини йўқотган халқлар устига бало бўлиб йиқилди.

Бундай ҳолатни Аллоҳ маҳдуд босқич ва муайян қавмга, махсус муаммолар муолажаси учун юборган динлар мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Масалан, насронийлик моддага муккасидан кетган ва ҳақиқий дин руҳиятидан узоқ бўлган яҳудийлар намоён этган хос бир ҳолатнинг муваққат муолажаси учун келган диндир. Шу сабабли насронийлик моддиятга фарқ бўлиш иллатини руҳониятга фарқ бўлиш муқобили билан муолажа этди. Моддият балчиғига ботганларни мисолийлик (идеаллик) осмонига кўтармоқчи бўлди. Совуқни совуқ кесади, кескинлик кўпинча

кескинлик билан даволанади. Лекин бу маҳдуд, вақтинч муолажа бўлиб, ҳеч қачон доимийлик ва шомиллик касб этмаган. Асл самовий дин бўлган масиҳийликнинг ҳар замон ва маконга татбиқ этиш мумкин бўлмаган мисолий таҳлимотлар соҳиби эканининг сири мана шудир.

Энди Исломга келсак, у бутун инсониятга юборилган Аллоҳнинг боқий калималаридир. У оққа ҳам, қорага ҳам шомил, абадий Аллоҳнинг ҳидояти ва барча оламларга раҳматидир. Шундан Ислом инсон қаерда, қачон ва қандай ҳолатда бўлмасин, унинг ҳолига мувофиқ таҳлимотларни ўз ичига олди ва ақида, ибодат, ахлоқ ва ташриотларида воқеҳликларга риоя қилди.

Мубашшир АҲМАД тайёрлади